Стратегик ва минтақавий
КУТУБХОНАСИ

2009 ЙИЛ, 10 АПРЕЛЬ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 72 (11.383) Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **ТОШКЕНТ** банк коллежи ўқувчилар турар жойида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган давра суҳбати «Заҳматкаш деҳқонларимизга тасанно» деб номланди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги 63-мактабда ўқувчи қизлар ўртасида ўтказилган «Балли, қизлар» кўрик-танлови туман халқ таълими бўлими, Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилди.

● **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг Тошкент шаҳар бўлими, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳамкорликларида кийиниш маданиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **ЎТГАН** куни Тошкент маданият коллежида «Устоз ва шогирд анъаналари давом этади» мавзусида ўқувчилар ва санъаткорлар иштирокида ўтказилган кеча Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланди.

● **ЎТГАН** куни Ўзбекистон Миллий университетининг фалсафа факультетида талабалар, ўқитувчилар иштирокида ташкиллаштирилган семинар-тренинг «Ёшлар онгида ҳуқуқий билимларнинг ўрни» деб номланди.

● **ЎТГАН** куни Тошкент Давлат техника университетига қарашли 57-талабалар турар жойида «Болаликдан ногирон туғилишнинг олдини олиш» мавзуида талабалар, ўқитувчилар, шифокорлар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорликларида уюштирилди.

● **КЕЧА** Глиэр номидаги мусиқага ихтисослашган академик лицейда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 673 йиллигига бағишлаб ўқувчилар иштирокида тадбир бўлиб ўтди.

● **МИРОБОД** туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида туман ҳокимлиги, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорликларида туман фаоллари иштирокидаги тадбир «Ниҳол» Давлат мукофоти совриндорлари ўртасида ўтказиладиган танловни уюштириш масалаларига бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, навқирон авлод тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, ёшларда фидойилик, ватанпарварлик, юрт тақдири учун дахлдорлик каби эзгу фазилатларни шакллантиришда Амир Темурнинг бой маънавий мероси алоҳида ўрин тутади. Шу боис юртимизда Соҳибқирон хотирасини эъзозлаш, ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буюк бобомиз таваллудининг 673 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда бу жиҳатлар яна бир карра ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Соҳибқирон Амир Темур туғилган кун

МАРДЛИК ВА АДОЛАТ ТИМСОЛИ

9 апрель – Амир Темур таваллуд топган куни пойтахтимиздаги Соҳибқирон номи билан юритилувчи хиёбонда тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар, олимлар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, халқаро Амир Темур жамғармаси раиси Муҳаммад Али, Тошкент кимё технологиялари институтининг Ўзбекистон тарихи ва сиёсий фанлар кафедраси мудири, тарих фанлари доктори Шоҳиста Ўлжаева Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тарихимизни холисона ўрганиш, анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, миллатимиз фахрига айланган аждодларимизнинг номини тиклаш, хотирасини қадрлаш, ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ этиш борасида ибратли ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, Амир Темур бобомиз улуғлаган ва ўзининг ҳаётий шиорига айлантирган эзгулик, адолат, бағрикенглик, меҳр-мурувват, эл-юрт фаровонлиги ва ободлиги, бунёдкорлик каби эзгу интилишлар истиқлол йилларида ҳаётимизнинг бош мезонига, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мазмун-моҳиятига айланди.

Тадбирда сўзга чиққан Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Маттиас Майер, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги хорижий тиллар академик лицейи талабаси, каратэ бўйича жаҳон чемпиони Зумрад Тазетдинова Амир Темур ва темурийлар ҳаёти, фаолияти, маънавий мероси, жаҳон цивилизациясида тутган ўрни жаҳон олимлари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилаётгани ҳақида тўхталдилар. Бу улуғ аждодларимизнинг ўлмас ғоялари нечоғли долзарб ва ҳаётбахш экани, миллатимиз тарихи, маънавиятимизга бўлган қизиқиш дунё миқёсида тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Маросим иштирокчилари Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

* * *

Шу куни Темурийлар тарихи Давлат музейида «Соҳибқирон улуғлаган қадриятлар ва истиқлол маънавияти» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда олимлар, ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошев, тарих фанлари доктори Дилором Юсупова ва бошқалар Амир Темурнинг ҳаёти, фаолияти, меросининг халқимиз маънавиятидаги ўрни ва аҳамияти юксак эканини қайд этдилар.

Тадбир доирасида музейда Амир Темур ва темурийлар даврига бағишланган бадиий кўргазма ташкил этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири
А. Абдуллаев (ЎзА) олган суратлар

«ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ

Ватан – ота-боболаримизнинг муборак хоклари ётган табаррук замин. У бир умр севиб, ардоқлаб, кўзимизга тўтиё қилиб яшайдиган муқаддас саждагоҳимиздир. Бу дунёда ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайдиган буюк ва бебаҳо хазинамиздир.

Ватан борки, ор-номусимиз, қадр-қимматимиз бор, ғурур ва ифтихоримиз, иймон-эътиқодимиз мустаҳкам ва барқарор.

Биз, киндик қони шу тупроққа томган юрт фарзандлари, ўзимизни Ватандан айри ҳолда тасаввур этолмаймиз. Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси шундай азиз ва улуғ неъматки, ҳаёт йўлларида, оғир ва машаққатли синовларда бизга ҳамиша куч-қувват бахш этиб, мардлик ва жасоратга даъват этади.

Бу ёруғ оламда ягона ва тенгсиз бўлган она юртимиз, Ўзбекистонимизни улуғлаш, уни кўз қорачиғидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш — бизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир.

Халқимиз, авваламбор, униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида ана шундай олижаноб туйғуларни камол топтириш, Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни эл-юртимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1091-сонли қарорига мувофиқ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси **"Ягонасан, муқаддас Ватан!"** республика кўрик-танловини эълон қилади.

Танлов уч босқичда ташкил этилади:

I босқич - 2009 йил 15 апрелдан 1 июлгача

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда туман ва шаҳарлар миқёсида ўтказилади.

II босқич - 1 июлдан 20 июлгача

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида вилоят босқичи бўлиб ўтади.

III босқич - 20 июлдан 10 августгача

Тошкент шаҳрида республика миқёсида ўтказилади.

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мутасадди ташкилотларнинг тавсиялари асосида профессионал, ҳаваскор якка ижрочилар ҳамда бадиий жамоалар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Танлов ғолиблари учта йўналиш (матн, мусиқа, ижро маҳорати) бўйича аниқланади ҳамда улар махсус диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланади.

Биринчи ўрин учун

(мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади)
9 000 000 сўм

Иккинчи ўрин учун

(мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади)
6 000 000 сўм

Учинчи ўрин учун

(мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади)
3 000 000 сўм

Танловда ғолиб бўлган қўшиқлардан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам тантаналарида фойдаланилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 13-қават, 9-хона, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги. Телефон: 239-43-73.

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Самарқандда «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими, Халқ таълими, маданият ва спорт ишлари вилоят бошқармалари ҳамкорлигида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Аждодлар мероси — келажак пойдевори» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 10 та жамоа ўзаро куч синашди.**

● **Тошкентдаги Ёшлар ижоди саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган янги ижодий бирлашма — Рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмасининг тақдимот маросими ўтказилди.**

● **Қашқадарё вилоятида ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи марказ иш бошлади. «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг вилоят бўлими ҳузуридаги бу жамоат ташкилоти корхона ва муассасалардаги бўш иш ўринларига олий ўқув юртлари ҳамда коллежларни битираётган ёшларни жалб қилиш билан шуғулланади. Ёшлар марказида ўтказилган дастлабки давра суҳбатида вилоятдаги йирик корхона ва ташкилотлар ҳамда олий ўқув юртлари вакиллари иштирок этди.**

● **Самарқанд шаҳрида вилоятдаги истеъмол моллари ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда хусусий тадбиркорлар иштирокида улгуржи савдо ва саноат ярмаркаси ўтказилмоқда.**

● **Андижон қишлоқ хўжалик институтида вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими ҳамкорлигида 2008-2009 ўқув йили битирувчиларининг «Битирувчи — 2009» ярмаркаси ташкил этилди.**

● **Камолиддин Беҳзод номидаги Бухоро санъат музейида «Баҳор вернисажи» деб номланган кўргазма очилди. Унда маҳаллий рассомлар Эркин Жўраев, Раҳмон Авазов, Даврон Тошев ҳамда кулол Баҳром Гуловнинг асарлари намойиш этилмоқда. Кўргазмадан шунингдек, Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги Бухоро ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқувчиларининг ижодий ишлари ҳам ўрин олган.**

● **Фарғона вилоятидаги Водил қишлоғида ёшлар маркази ўз эшикларини очди. Марказда ўсмирлар ва қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, бу ерда еттита йўналиш бўйича тўгараклар, «Камолот» кутубхонаси, етакчилар мактаби фаолият кўрсатмоқда, спортнинг бир нечта турлари билан шуғулланиш имконияти ҳам мавжуд.**

ЖАҲОНДА

● **Ким Чен Ир Шимолий Кореянинг олий бошқарув органи ҳисобланмиш Давлат мудофаа қўмитаси раислигига қайта сайланди. КХДР Олий халқ мажлисининг янги чақириғи биринчи мажлисида Ким Чен Ирнинг мазкур лавозимга қайта сайлангани ҳақида қарор қабул қилинди.**

● **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг собиқ бош котиби Кофи Аннан эсдалик китоби ёзажагини билдирди ва бу борада нуфузли нашриётлардан бири билан шартнома тузди. У ўз китобида бош котиблиги даврида турли давлат арбоблари, сиёсатдонлар билан кечган учрашувлар тафсилотларини ёритиш ниятида.**

● **Кеча Тбилисидаги марказий майдонда мамлакат президенти Михаил Саакашвилининг истеъфога чиқишини талаб қилган ҳолда мухолифатчилар иштирокида кўп минг кишилик норозилик намойишлари бўлиб ўтди.**

● **Кеча Италия марказидаги Абруццо ҳудуди ва Римда яна кучли зилзилалар юз берди. Зилзила қурбонларини хотирлаш мақсадида бугун бутун мамлакат бўйлаб мотам куни эълон қилинди.**

● **Жаҳон биржаларида нефтнинг нархи кун сайин кўтарилиб бормоқда. Жумладан, кеча Лондон биржасида ўтказилган савдолар чоғида бир баррел нефтнинг нархи 54,06 доллар миқдорида қайд этилган бўлса, Нью-Йорк биржасида ушбу кўрсаткич 52,24 долларни ташкил этди.**

● **Бразилия жаҳон иқтисодиётини моддий жиҳатдан рағбатлантириш мақсадида Халқаро валюта жамғармасига 4,5 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратишга қарор қилди.**

● **Япония Шимолий Кореяга нисбатан иқтисодий жазо чораларини янада кескинлаштирди.**

● **Халқаро Қизил Хоч ташкилотининг яқинда ошкор этилган маърузасида АҚШ Марказий разведка бошқармасининг хориждаги қамоқхоналарида терроризм бўйича гумон остига олинганларни сўроқ қилишда шифокорларнинг ҳам фаол иштирок этганлиги таъкидланган. Маруза муаллифлари бу хатти-ҳаракатларни шифокорлар этикасининг бузилиши сифатида баҳолашган.**

ИНСОН МАНФААТЛАРИ МУҲОФАЗАСИ — УСТУВОР ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 апрелдаги «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори барча мутасадди ташкилот ва идоралар қатори пойтахт прокуратураси органлари зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклади. Буни ушбу Қарор ҳамда «Иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган истиқболсиз корхоналарни тугатиш ва таркибий ўзгартириш худудий дастури»нинг бажарилиши юзасидан ҳукумат комиссияси талаблари ижросини амалга ошириши бўйича Тошкент шаҳар хокимининг қарорига мувофиқ тузилган ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, ишчи гуруҳ томонидан аҳоли маъмурлиги, юрт фаровонлигини таъминлаш мақсадида 2008 йилда шаҳримизнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, фаолият юритмаётган ва кам қувватларда ишлаётган корхоналар фаолиятини тиклаш, жонлантириш ва ишлаб чиқариш қувватини оширишга устувор аҳамият берилди. Шу масалаларда, ана шундай 80 та корхона раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди. Бундай учрашувларда ҳар бир корхона раҳбари билан индивидуал мулоқотлар ўтказилиб, корхоналарнинг олдида турган муаммолар муҳокама этилди ва уларни бартараф қилиш юзасидан зарурий чора-тадбирлар кўрилди. Шунингдек, дастурда улар олдига маҳаллий инвестициялар ёки банк кредитларини мақсадли жалб қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, мазкур корхоналар негизида янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, шу аснода янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлигига улуш қўшиш вазифалари қўйилган бўлиб, уларга бу борадаги кўрсатилган амалий ёрдам ва тавсиялар бесамар кетмади.

2008 йилда юқорида зикр этилган 80 та корхона негизида кичик, шўъба ва қўшма корхоналар ташкил этилган бўлиб, энг эътиборлиси, 3935 та янги иш ўринлари яратилди. Мазкур корхоналарнинг иқтисодий ночорларидан 16 тасининг 9 таси муддати ўтган кредиторлик қарзларини тўлиқ қоплаган, 10 та зарар кўриб ишлаётган корхоналардан 7 таси эса фойда кўриб фаолият юрита бошлаган. 14 та корхонада тўғридан-тўғри сармояларини жалб қилиш ҳисобига бино-иншоотлари ҳамда қувватларини технологик жиҳатдан қайта таъмирлаш, модернизация қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатаётган умумий овқатланиш савдо шохобчаларида ноқонуний ишлаётган 5029 нафар фуқаронинг иш фаолияти қонунийлаштирилди. Бу билан, бир тарафдан, шу фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланган бўлса, иккинчи тарафдан, уларни солиққа тортиш тартиби жорий этилди. Яъни, улар учун меҳнат дафтарчалари очилиб, иш стажи ҳисобланади, касаллик варақаси бўйича тўловлар берилади, пенсия таъминоти ва касаба уюшмаси ҳимояси кафолатланади. Шу билан бирга улар даромад солиғи, пенсия солиғи каби мажбурий тўловларни тўлаб борадилар.

Жорий йилда ҳам ишчи гуруҳ томонидан олиб борилган чора-тадбирлар натижасида шаҳримизда фаолият кўрсатаётган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида ноқонуний ишлаётган 7750 нафар фуқароларнинг меҳнати қонунийлаштирилди.

Шунингдек, гуруҳ ва шаҳар прокуратураси органлари томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш масаласига доимий эътибор қаратиб келинмоқда.

Маълумки, кейинги йилларда одам савдоси жиноятчилиги туфайли юзага келаётган глобал хавф қанчалик ортиб бораётган бўлса, дунёнинг қатор мамлакатларида бу жиноятга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам шунчалик кенгайиб бормоқда.

Ҳеч биримизга сир эмас, бугунги кунда баъзи тоифадаги фуқаролар, хусусан айрим ёшларимиз юқори даромадли ишларни кўзлаб ноқонуний равишда хорижга чиқишга ҳаракат қилмоқдалар. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бегона юртларга иш жойи тайин бўлмаган ҳолда жўнаб кетган бундай фуқаролар узоқ вақт мобайнида ишга жойлаша олмай саргардон бўлиб қолишмоқда. Оқибатда одамфурушларнинг тузоғига илиниб, номақбул шароитларда меҳнат қилишга, энг оғир ишларни арзимаган ҳақ ёки фақатгина кундалик озиқ-овқат эвазига бажаришга мажбур бўлмоқдалар.

2008 йил 17 апрель куни Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши кураш тўғрисида"ги Қонуни ва 2008 йил 8 июлда мамлакатимиз Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳам аср муаммосига айланган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашишга доир ҳуқуқий-норматив база шакллантирилгани, қонун ва қарорлар қабул қилингани эътиборга молик масала бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга эътибор янада кучайтирилганидан далолатдир.

Ушбу жиноятчиликка қарши курашнинг кучайтирилиши натижасида республикамизда, жумладан, Тошкент шаҳрида ҳам одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг аниқланиши йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Масалан, 2008 йилда Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан 80 та шахсга нисбатан 64 та одам савдоси билан боғлиқ жиноят иши қўзғатилган. Ушбу жиноят ишлари юзасидан терговда аниқланишича, одам савдоси билан боғлиқ жиноий ҳаракатлар оқибатида жабрланганларнинг 52 нафарини эркаклар, 47 нафарини аёллар, шундан 24 нафарини вояга етмаганлар ташкил қилган.

Инсон ҳуқуқларининг бу тарзда бузилиши, бир томондан, уларни ишга ноқонуний жалб этган нопок иш берувчиларнинг бепул ишчи кучи орқали катта даромад топишларига имкон туғдирса, иккинчи томондан, одамфурушларнинг мўмай пул ишлаб олишларига шароит яратади. Бундай ҳолатларнинг олдини олишнинг энг самарали йўли аҳоли бандлигини таъминлашдан иборат. Шу боис, бу борада кенг қамровли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Аввалambор, аҳолининг бандлик даражасини ошириш борасида муҳим тадбирлар белгиланиб, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бўш иш ўринларига эга корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда.

Ишчи гуруҳи ташаббуси билан Тошкент шаҳар ҳокимининг 2008 йил 27 июндаги 481-сонли қарорига мувофиқ, 2008 йилнинг 9-10 июль кунлари пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида меҳнат ярмаркаси ўтказилган эди. Ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда 20 мингдан зиёд ёшлар иштирок этиб уларнинг 6.107 нафари иш билан таъминланган.

Бундай тадбирларнинг доимийлигини таъминлаш мақсадида ўтган 2008 йилнинг 23-24 сентябрь кунлари ҳам шаҳримизнинг барча туманларида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Уларда 323 та корхона ва ташкилотлар 9758 бўш иш ўринлари билан қатнашиб, ярмаркада иштирок этган 12 мингдан ортиқ фуқароларнинг 2424 нафари ишга жойлаштирилган.

Жорий йилнинг 25-26 март кунлари шаҳримиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғда Тошкент шаҳар прокуратураси, шаҳар ҳокимлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси олий ўқув юртлари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, қуролли кучлар сафидан бўшатилган ҳамда вақтинча ишламаётган меҳнатга лаёқатли ишлашни хоҳловчи фуқароларни касб ва малакалари бўйича иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Ушбу меҳнат ярмаркасида пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларининг 12 мингга яқин бўш иш ўринлари билан бевосита иштирок этдилар.

Мазкур тадбирда пойтахтимизнинг 25827 нафар вақтинча ишсиз, меҳнатга лаёқатли фуқаролари қатнашди. Шунингдек, ярмаркага 22850 нафар касб-ҳунар коллежларининг юқори курс ўқувчилари жалб этилиб, улар ўзлари танлаган ихтисослик бўйича бўш иш ўринлари билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Байрамона тарзда, бугунги кун қизиқишлари инобатга олингани ҳолда ташкил этилган меҳнат ярмаркасида иштирок этган 25827 нафар фуқаролардан 12561 нафари ишга жойлашиш учун йўлланмалар олган бўлса, шундан сўнг ўтган 14 кун ичида 5928 нафар фуқаролар ишга жойлаштирилди ва ишга жойлаштириш жараёни давом этмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, меҳнат ярмаркасига жалб қилинган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мутасадди ходимлари билан бир қаторда Тошкент шаҳар прокуратурасининг ходимлари ҳам фуқаролар, хусусан ёшларга ўз маслаҳатларини бериб, уларнинг ўз касблари бўйича ишга жойлашишига муносиб ҳисса қўшишгина қолмасдан, уларнинг меҳнати билан боғлиқ қонунларнинг мазмуни ва аҳамиятини ҳам тушунтирдилар.

Ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан яна бири бу кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларга ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. 2008 йил ва жорий йилнинг ўтган 3 ойида шаҳар прокуратураси органлари томонидан хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижалари бўйича ноқонуний ҳужжатларни бекор қилиш ҳақида 42 та протест, қонунбузилиш ҳолатлари ва уларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан 58 та тақдимнома киритилди. Шунингдек, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 11 та жиноят иши қўзғатилган, 67 нафар шахс огоҳлантирилиб, 74 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган.

Энг муҳими, низоларнинг аксарияти қонунлар асосида тадбиркорлар фойдасига ҳал этилаётгани билан бирга, асоссиз равишда уларнинг ортиқча оворагарчилиги ва зарар кўришига сабаб бўлаётган назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларига нисбатан ҳам қатъий чоралар кўрилмоқда.

Сир эмас, ҳозирда рўй бераётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози халқаро ҳамжамиятни жиддий ташвишга солмоқда. Бошқача қилиб айтганда, бу инқироз кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодиётига қўланка сола бошлади. Натижада, мазкур давлатларда ишлаб чиқаришнинг пасайиши, ишсизликнинг ўсиши, аҳоли турмуш даражасининг ёмонлашуви кузатилмоқда. Шу ўринда эътироф этиш жоизки, мана шундай бир шароитда Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган "Инқирозга қарши чоралар дастури"нинг истиқболли эканлиги ўзини намоён этмоқда. Айрим соҳта "экспертлар" тахмин қилганидай, "барча МДҲ давлатлари қатори Ўзбекистоннинг ҳам бу инқироз олдида довдираб қолиши" кузатилмади. Айрим мамлакатлардаги каби ишлаб чиқаришнинг пасайиши, ишсизликнинг кескин ўсиши, аҳоли турмуш даражасининг ёмонлашуви рўй бермади. Инқирозга қарши кураш стратегияси бунга имкон бермади. Янги иш ўринлари яратиш, меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини кўпайтириш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган кучли сиёсат мисолида ҳам буни кўриш мумкин.

2009 йилнинг 7 январида шаҳар ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши ўтказилган ва 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси тасдиқланиб, вазифалар белгилаб олинган эди.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 2 февралидаги йиғилиши баённомаси талабларининг ижросини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳи томонидан Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган 7137 та саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди. Уларда қатнашган корхона раҳбарларининг ҳар бири билан алоҳида мулоқот уюштирилиб, корхоналарнинг олдида турган муаммоларни ижобий ҳал қилиш чоралари кўрилди.

Учрашувларда корхона раҳбарлари томонидан билдирилган турли таклиф, муаммо ва мулоҳазалар ўрганилганда, уларнинг 73 таси конвертация, 60 таси нақд пул, 63 таси кредит, 10 таси банк фоизлари, 18 таси божхона тарифлари, 4 таси божхона декларациясини расмийлаштириш муддати бузилиши, 7 таси кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби, 22 таси солиқ ставкалари, 42 таси электр энергияси учун жарима қўллаш, 5 таси эса ташқи иқтисодий масалалар билан боғлиқ эканлиги маълум бўлди. Ишчи гуруҳи томонидан ушбу муаммоларни бартараф этиш бўйича амалий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, ҳал қилиш чоралари кўрилиб, бу борадаги ишлар жадаллаштирилди.

Бу жараёнда корхона раҳбарларидан 2009 йилда 2008 йилга нисбатан ишлаб чиқариш сурьатларини 10 фоизга, экспорт салоҳиятини 10 фоизга ошириш ва янги иш ўринларини яратиш ҳисобига, аҳолини иш билан таъминлашга улуш қўшиш юзасидан барча имкониятларни сафарбар қилиш талаб этилади.

Жорий йилнинг 1 апрель куни бўлиб ўтган шаҳар ишчи гуруҳи аъзоларининг навбатдаги йиғилишида шаҳримиздаги аввал хусусийлаштирилган кенг ҳажмдаги ер майдонларига ва катта мулкка эга бўлган, аммо кам қувватларда ишлаётган ёки фаолиятини бутунлай тўхтатган, иш ўринларини асоссиз қисқартирган корхоналарнинг фаолиятини тиклаш, уларга ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатиш, инвестициялар, банк кредитларини мақсадли жалб қилиш орқали молиявий соғломлаштириш, шунингдек зарар кўриб ишлаётган корхоналардаги бошқариш фаолиятини таркибий ўзгартириш юзасидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш аҳволи муҳокама қилинди. Навбатдаги устувор вазифаларга доир йиғилиш қарори қабул қилинди.

Мана шу ўринда, ҳамшаҳар тадбиркорларимиз диққатини бир маълумотга қаратмоқчимиз.

Жорий йилнинг 10 апрелидан бошлаб ҳар ҳафтанинг жума кунлари соат 14:00 дан 16:00 га қадар барча туман ҳокимликлари мажлислар залида ишчи гуруҳи аъзолари томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларга ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг фаолиятларига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида доимий учрашувлар ўтказиб борилади.

Эндиликда тадбиркорлар ўзларини ўйлантириб келаётган, фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳусусида қуйидаги манзилларга мурожаат қилишлари мумкин:

1. Бектемир туман ҳокимияти, Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 2-уй.

2. Миробод туман ҳокимияти, Нукус кўчаси, 18-уй.

3. М. Улуғбек тумани ҳокимияти, Мустақиллик шоҳкўчаси, 122-уй.

4. Сергели туман ҳокимияти, А.Ахматова кўчаси, 1-уй.

5. Собир Раҳимов туман ҳокимияти, Қорақамиш кўчаси, 1-уй.

6. Учтепа туман ҳокимияти, Фарҳод кўчаси, 21-уй.

7. Шайхонтоҳур туман ҳокимияти, Абдулла Қодирий кўчаси, 7-А уй.

8. Ҳамза туман ҳокимияти, Фарғона йўли кўчаси, 21-уй.

9. Чилонзор туман ҳокимияти, Бунёдкор кўчаси, 50 уй.

10. Юнусобод туман ҳокимияти, Амир Темур шоҳкўчаси, 72-уй.

11. Яккасарой туман ҳокимияти, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 76-уй.

Комилжон ҒУЛОМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

ЮНЕСКО ПОЙТАХТИМИЗ ЮБИЛЕЙИНИ НИШОНЛАМОҚДА

Мамлакатимиз бош шаҳри — азим Тошкентнинг 2200 йиллик тўйига юртимизда кенг кўламда тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу қутлуғ санага бағишланган маданий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги тадбирлар ҳам бўлиб ўтмоқда. Эътиборлиси шундаки, булардан халқаро ҳамжамият ҳам бохабар бўлаётир.

Маълумки, ЮНЕСКОнинг Бош конференцияси ўзининг 34-сессиясида Ўзбекистоннинг, мамлакатимиз пойтахтининг дунё ҳамжамиятида тутган ўрнини эътиборга олиб, азим шаҳримизнинг 2200 йиллик санасини халқаро миқёсда нишонлаш ҳақида қарор қабул қилган.

Бугунги кунда кўплаб давлатларда бу борада илмий-маърифий, маданий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, Германия, Италия, Украина, Хитой, Миср Араб Республикаси, Малайзия, Япония, Саудия Арабистони давлатларида Тошкент шаҳрига бағишланган анжуманлар ташкил этилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ҳам Ўзбекистон пойтахтининг тарихи ва бугунги куни мавзуларида конференциялар уюштирилди.

Пойтахтимиз билан бирodарлашган Сиэтл шаҳрида ҳам дўстона ва турли йўналишлардаги ҳамкорлик ришталаримизни кенг намойиш этган тақдимот маросими ўтказилиб, унда Тошкент шаҳар фаолларидан иборат делегация қатнашди.

Шу кунларда қадимий ва шу билан бирга замонавий, дунёга юз тутаётган навқирон азим Тошкентимиз парижликлар нигоҳида бўлмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори доирасида давлатимиз раҳбари томонидан «ЮНЕСКО Бош қароргоҳида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган юбилей тадбирларини ўтказиш тўғрисида» Фармойиш қабул қилинди ва унга биноан ташкил этилган махсус ишчи гуруҳи бу борадаги тадбирларни юқори савияда ўтказишга фаол киришган.

Айни кунларда ЮНЕСКОнинг Бош қароргоҳида кенг намойиш этилаётган «Ўзбекистон ҳунармандчилик ва амалий санъати» мавзусидаги кўргазма хорижликлар эътиборини жалб этаётир. Асрлардан садо берувчи тарихий аҳамиятга эга асарлар қаторида кўргазма экспонатлари орасидан бугунги замондошларимиз — халқ усталари ва санъатда ўз ўрнига эга бўлаётган ёшларимизнинг ҳам ижоди алоҳида ўрин олган.

Франция пойтахтида Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий ваколатхонаси номидан қабул маросими ташкил этилиб, унда юртимиз ошпазу қандолатчи ҳунармандлари ҳам ўз маҳоратларини меҳмоннавозлик билан намойиш этдилар.

Бугун Парижда «Тошкентнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётида тутган ўрни» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтади. Мазкур тадбирда ЮНЕСКОга ҳамкор давлатларнинг таниқли олимларининг иштироки кутилмоқда. Ушбу анжуманда Ўзбекистон томонидан ҳам тарихчи, шарқшунос, тилшунос, археолог олимлар қатнашади. Конференцияда тарих фанлари доктори А. Аҳмедов, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти директори Д. Алимова, Темурийлар тарихи Давлат музейи директори Н.Ҳабибуллаев, Археология институти катта илмий ходими М. Филановичнинг маърузалари белгиланган.

Илмий анжуман иштирокчилари учун шу куни маданий дастур ҳам мўлжалланган бўлиб, унинг доирасида ўзбекистонлик санъат усталарининг ижоди ҳавола этилади. Мамлакатимиз қўшиқчилик, рақс ва мусиқа санъатини Ўзбекистон халқ артистлари Муножот Йўлчиева, Абдуҳошим Исмоилов, А. Абдурашидов, халқ ҳофизи Ўлмас Саиджоновлар намойиш этишади. Концерт дастурида иқтидорли ёшларимиздан «Ниҳол» мукофоти совриндори Г.Худойназарова, Глиэр ва Успенский номидаги махсус мусиқа академик лицейлари ўқувчилари Т. Асқаров ва М. Муҳитдинов, шунингдек, Миллий рақс ва хореография олий мактаби талабаларининг чиқишлари ҳам кўзда тутилган.

Юбилей тадбирлари доирасида Ўзбекистон телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги томонидан тайёрланган «Ўзбекистон: унинг тарихи ва бугунги куни» номли ҳужжатли фильм тақдимоти ҳам ўтказилади.

ЮНЕСКО томонидан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб Париж шаҳрида ўтказилаётган тадбирлар апрель ойи бўйлаб давом этади.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Тадбирлар

ҲАМИША БАРҲАЁТ СИЙМО

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДАГИ АМИР ТЕМУР МАҲАЛЛАСИДА БУЮК СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН ТАДБИР ИШТИРОКЧИЛАР ҚАЛБИДА БИР ОЛАМ ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ.

Жаҳонга машҳур саркарда, буюк давлат арбоби, тарихий ва ҳамиша барҳаёт сиймо — Соҳибқирон Амир Темурнинг 673 йиллик таваллуд санасига бағишланган маросимда сўзга чиққан кишилар бугун наинки Ўзбекистон, балки бутун ер юзи халқлари учун шодиёна кун эканлигини, Мустақиллигимиз улуғ бобомиз сиймосини бор бўй-басти билан бизга қайтариб берганлигини фахр ва ифтихор билан таъкидладилар.

— Муҳтарам Юртбошимизнинг «Бу дунёда халқимиз, миллатимиз, Ўзбекистонимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаёт!», деган сўзлари замирида жуда катта маъно ётибди, — дейди Амир Темур маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Ёқуб Мўминов. — Президентимизнинг шахсан ташаббуси ва раҳнамолиги остида мамлакатимиз пойтахтида Амир Темур хотирасини улуғлаб унга ўрнатилган маҳобатли ҳайкал, Темурийлар тарихи Давлат музейининг барпо этилиши буюк Соҳибқиронга халқимиз эҳтироми ва меҳр-муҳаббатининг амалий ифодасидир. Биргина бизнинг маҳалламизнинг ҳам буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур номи билан аталишининг ўзиёқ улуғ бобомизнинг хайрли ишлари унга муносиб авлодлар учун чинакам дастуруламал бўлиб келаётганлигининг ёрқин ифодасидир.

Чиндан ҳам ана шундай. Маҳаллада бўлиб ўтган тадбирда сўзга чиққан бошқа нотиқлар ҳам бобомиз Амир Темурнинг буюклиги ҳақида, улуғ Соҳибқирон ва унинг шукуҳли ҳозирги авлодининг қалбида она-Ватанга садоқат сингари кўпгина умуминсоний бурчлар доимо жилоланиб турганлигини алоҳида таъкидладилар.

Хондамир СОЛИҲОВ

СУРАТДА: Амир Темур маҳалласида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа.

Транспорт

ЎЗ ВАЗИФАЛАРИНИ СИДҚИДИЛДАН БАЖАРМОҚДАЛАР

«МАХСУСТРАНС» КОРХОНАСИНИНГ ШАҲАР ЭКОЛОГИЯСИНИ ЯХШИЛАШДА ҲАМ ЎЗИГА ЯРАША ЎРНИ БОР. АЙНИҚСА, БОҒ-ДАЛА ЮМУШЛАРИ АЙНИ ҚИЗИГАН БАҲОР ФАСЛИДА МАЗКУР ТАШКИЛОТ ЗИММАСИГА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАНАДИ.

Сабаби, маҳалла, гузар ва кўп қаватли уйлар атрофида тўпланган чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетиш, саранжом-сарishталикни сақлаш айнан мазкур ташкилот зиммасига юклатилган.

Шулардан келиб чиқиб, Ҳамза туманида фаолият кўрсатаётган «Ҳамзамахсустранс» автотранспорт корхонаси жамоаси томонидан ҳам маҳалла, кўп қаватли уйлар, корхона ва ташкилотлар ҳудудларида чиқиндилар тўпланиб қолишининг олдини олиш борасида барча чора-тадбирлар ишга солинмоқда.

—Чунки пойтахтимиз кўрки, саранжом-сарishталигини таъминлаш бизнинг асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади, — дейди биз билан суҳбатда мазкур корхона раҳбари Саъдулла Ғаффоров. — Шулардан келиб чиқиб, жамоамизда ишчи-хизматчилар сони 208 нафарга етказилди. Шундан 98 нафарини ҳайдовчи ва яна шунча юк ортувчи-ташувчилар ташкил этади. Улар фаолиятлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш мақсадида 32 та замонавий «ДЭУ-10», «Хундай 120-18», «Хундай-260-3» ва бошқа юклаш-тушириш машиналари билан таъминланди.

Бунинг натижасида туман ҳудудида ортиқча ахлатлар тўпланиб қолишининг олди олинмоқда. Бу эса ўз навбатида шаҳримиз саранжом-сарishталигига ва турли хил экологик бузилишларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: корхона ходимлари навбатдаги режа юзасидан маслаҳатлашмоқдалар

Тошкент давлат юридик институтида Тадбиркорлик субъектларини қайта ташкил этиш, тугатиш ва улар банкротлигининг ҳуқуқий масалаларига бағишланган анжуман ўтказилди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини янада эркинлаштириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ҳимоя қилиш қонуний асосга эга. Анжуманда иқтисодий ўсишнинг юқори суратларини сақлаб қолишда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун давлат томонидан берилаётган имконият ва имтиёзлар кўлами ҳам кенгайиб бораётганлиги таъкидланди. Ана шундай эътибор туфайли 2008 йили кичик бизнес мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши 48 фоиздан ошган.

Айни пайтда иш билан банд бўлган жами аҳолининг етмиш олти фоиздан кўпроғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётганлиги тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашнинг аниқ механизми шакллантирилганлигини кўрсатади. Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва улар банкротлигини ҳуқуқий масалаларга оид қонунчилигини ислоҳ этиш масалалари бўлиб ўтган анжуманнинг бош мавзуси бўлди.

Унда бу борадаги тажрибани инобатга олган ҳолда мавжуд қонуний базани янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Йиғилиш якуни бўйича илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Туркистон-пресс»

УЛКАН ЮЛДУЗ АНИҚЛАНГАН



Киль буржидаги мавжуд Фазовий туманликнинг ўта аниқлик билан олинган суратида олимлар бир вақтлари келибер тунларини кундузга айлантирувчи юлдузни аниқлашган. У исталган вақтда портлаши мумкин. Суратда қайд этилган юлдуз ғоят ноёб сайёрадир.

1840 йилларда у осмон этагидаги ёруғлиги жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган юлдузга айланганди. Мутахассисларнинг баҳосича, тўсатдан у массаси тахминан ўнта қуёшга тенг келадиган моддани ташлаб юборган. Ташлаб юборилган модда спектрларининг таҳлили у водород ва гелийга нисбатан ҳам мураккаброқ атомлар – асосан азот атомларидан иборатлигини кўрсатган.

Бинобарин, ўша модда юлдуз ичида содир бўлаётган ядро портлашлари натижасида юзага келган. Юлдуз исталган вақтда портлаб кетиши мумкин ва шунда у одатдаги ўта ёруғ юлдуз ёруғлигидан ҳам ёруғроқ бўлади. Бундай юлдузлар одатда гипер янги юлдузлар деб аталади ва ёруғлиги энг чўққига чиққан вақтида 50 миллиард қуёш нурига тенг бўлади.

АСТРОНОМЛАР ЕРГА ЎХШАШ УЧ САЙЁРАНИ ТОПИШДИ

Ўша сайёралар биздан 42 ёруғлик йили масофада бўлган Олтин Балиқ ва Рассом буржида жойлашган HD40307 юлдузи атрофида айланади. Европа жанубий обсерваторияси (Чили) ходимлари HARPS спектографи ёрдамида юлдузлардан бирининг ёнгинасида бутун бир сайёралар тизими – Ерга ўхшаш бир йўла учта осмон жисмларини аниқлашган.

РИА "Новости"нинг маълум қилишича, бу ҳақда обсерватория хабар берган. Сайёраларнинг бу тоифаси "Супер Ерлар" номини олган – улар Ердан оғир, лекин Уран ва Нептундан кичикроқ ҳажмга эга (тахминан Ер массасининг 15 бараварига тенг).

"Сўнгги беш йил давомида биз HD40307 юлдузи тезлигини катта аниқлик билан ўлчашга муваффақ бўлдик ва бизнинг натижаларимиз учта сайёранинг мавжудлигини очиқ-ойдин кўрсатди", — деди Франциянинг Нант шаҳридаги анжуманда кузатувлар натижаларини тақдим этаркан, тадқиқот муаллифларидан бири, Женева обсерваториясининг ходими Мишель Мейер (Michel Mayor). Ушбу маълумотлар Astronomy and Astrophysics журналида чоп этилади.

Аниқланган сайёраларнинг ўз ёритгичлари атрофидаги айланиш тезлиги жуда юқорилиги билан ҳам ажралиб туради. Уларнинг "йил"лари тегишли равишда 4,3, 9,6 ва 20,4 Ер кунига тўғри келади.

ФАЗОДА ҒАЙРИОДДИЙ ИЗЛАР

Олимлар, илк Коинот юлдузи баъзи минтақаларда ҳозиргига нисбатан миллион маротаба зичроқ бўлган бўлиши мумкинлигини аниқлашган. Мутахассислар ультракомпакт митти галактикалар деб аталган галактикаларни ўрганишган. Бошқа галактикалардан уларнинг асосий фарқлари нисбатан кичикроқ ҳажмда, аммо юлдузлар миқдорининг кўп бўлишидан иборат.

Ўз тадқиқотлари доирасида олимлар мазкур объектлар массасининг катталиги, юлдузлар уларнинг жуда кичик қисмини ташкил этиши сабабларини ўрганишган. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, бундай объектлар ҳаёти давомида улар массасининг бу даражада катта бўлишини оқлайдиган қора материя етарли даражада тўпланиши мумкин эмасди.

Астрономлар мазкур ғайриоддий ҳолат сабабини шундай изоҳлашди: ультракомпакт митти галактикаларда юлдузлар ҳозиргига қараганда анча зич жойлашган – ҳар бир куб ёруғлик йилига миллионга яқин ёритгичлар тўғри келган (қиёслаб кўринг – Қуёш атрофларида зичлик тахминан бир юлдузга тўғри келади). Шу туфайли кўп ҳолларда майдароқ ёритгичлар қисқа умр кўрувчи гигант юлдузларга бирикиб, ўта янгиларининг портлашларида тезда ҳалокатга учрарди.

Дам олиш соатларида

ИСТЕЪДОДЛАР НАМОЙИШИ

Яқинда Алишер Навоий номли Ўзбекистон миллий кутубхонасида янги чоп этилган китобларнинг навбатдаги тақдимоти бўлиб ўтди. Адабиётимизнинг оддий бир мухлиси сифатида унда иштирок этиш менда ҳайратланарли илиқ туйғулар уйғотдики, уни газетхонлар билан ўртоқлашишга жазм қилдим.

Кутубхонанинг мўъжазгина зали мухлислар билан тўла эди. Тақдимот маросимини олиб борувчининг гапидан маълум бўлдики, ижодкорлар билан мухлислар ўртасидаги бундай учрашувлар анчадан бери анъанага айланиб қолган экан. Ижобий маънода ажаблантирган яна бир нарса шу эдики, китобхон ва муаллифлар мулоқоти ҳеч қандай дабдабасиз, холис ва самимий ўтди. Бунга ўша сўнгги тақдимот маросимида кўпчилик ишонч ҳосил қилгани аниқ.

Бу гал мухлислар ҳукмига икки камтарин инсон — жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларида самарали меҳнат қилиб келаётган ва шоири замон ёки улкан мутафаккирликка даъво қилишдан йироқ ижодкорларнинг навбатдаги ижод маҳсуллари тақдим этилди. Яъни журналистика соҳасида кўп йиллардан бери қалам тебратиб келаётган Мусаллам Умирова (Мусаллам-бону)нинг "Мени тинглаётган одамлар" шеърий тўплами ҳамда мутахассислиги бўйича иқтисодчи бўлган ва ижод соҳасида ўз қаламини пешлаб келаётган Обиддин Маҳмудовнинг икки фасллдан иборат "Умр ҳикмати... саодати" ҳаётий фикратлари ҳақида мулоҳаза юритилди.

Айтиш керакки, бу муҳокамага муаллифларни яхши биладиган, улар ижодига меҳри тушган ҳамда янги асарларини муштоқлик билан кутадиган – яъни, бир сўз билан айтганда, чинакам мухлислар тўпланишганди. Улар орасида фалсафа ва сиёсатшунослик фанлари докторлари, сенатор, Ўзбекистон Миллий университети ва жаҳон тиллари университетларининг ўқитувчилари – таниқли устозлар, мўйқалам усталари, ёзувчилар, шоирлар, журналистлар, талабалар, оддий китобхонлар – қўйингчи, турли касб ва табақа вакиллари бор эди.

Сўзга чиқувчилар Мусаллам-бону шеърларидаги самимийлик, фикр тиниқлиги, лўндалик, ижодий жасорат ва камтарликни, О.Маҳмудов тўплаган ҳаёт ҳақиқатларига оид фалсафий, мантиқий фикратлар, эссе ва ҳикояларнинг инсонларни эзгуликка, фидойиликка, ўзлигини англаб яшашга ўргатишини аниқ далиллар билан исботлашга ҳаракат қилишди. Ҳар бир нотиқ ҳар икки асар ҳақида ўз таассуроти, дунёқараши ва фикридан келиб чиқиб гапиргани учун бўлса керак, қарийб икки соатга яқин вақт қандай ўтганини ҳеч ким сезмай ҳам қолганди.

Тақдимот тафсилотларига кенг тўхталиш ниятим йўқ – бу ерда бўлиб ўтган тантановорлик ва ясамаликдан йироқ самимий гаплар, илиқ тилакларнинг ўзи бунга эҳтиёж қолдирмайди. Менинг диққатимни тортган нарса шу бўлдики, пойтахтимиз маънавий ҳаётида, жумладан, ўша анжуман иштирокчилари ҳам таъкидлаган ажойиб бир анъана – маросим дунёга келиб, ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин ола бошлаган. Яъни ҳамма соҳада ижод маҳсули тақдимотлари пойтахт ҳаётининг ажралмас бир қисмига айланиб қолмоқда.

Техника соҳасидами, фан ва санъат, маънавият, маданият соҳасида бўладими, ишлаб чиқариш соҳасида бўладими – эришилган ижодий муваффақият изсиз йўқолиб кетмайди. Уларнинг ҳар бирининг ўз мухлислари – яъни истеъдод мухлислари турли касб эгаларининг ижодий меҳнат машаққатлари билан юзага келаётган ҳар бир янгиликни муносиб баҳолашга ва айни пайтда жамиятимизда шундай ижодий интилишларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилишлари пойтахтимиз маънавий ҳаётининг бугунги кундаги ёрқин белгиларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бу, ҳеч шубҳасиз, Истиқлолимиз бахш этган буюк неъматларнинг яна бир гўзал намойишидир.

Саид ВАЛИ

СОҒЛОМ ЯШАЙ ДЕСАНГИЗ...

Болгариялик машҳур башоратчи ва табиб Ванга мурожаат қилган ҳар бир кишини даволашда фақат унинг ўзига хос усулни қўлларди. Зеро, унинг учун ҳар бир инсон – бу бетакрор олам бўлиб, организмда юз берадиган бузилишлар ўша инсоннинг ўзигагина хос бўлади, деб ҳисобларди у. Лекин, шу билан бирга, ҳаммага тегишли умумий қонуниятлар ва қоидалар ҳам мавжуд бўлиб, Ванга уларни такрорлашдан чарчамасди. Қуйида уларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

1. Бир-бирингизни севинг, яхши фикрлар ва амалиётларга интилинг – булар ҳамма учун яхши даводир.

2. Болгария дуо кетган юрт, чунки бу ерда кўплаб шифобахш гиёҳлар ўсади. Уларни эҳтиёт қилинг ва улар сизни дардлардан халос қилади.

3. Дори-дармонларни ортиқча қабул қилиш саломатликка зарар келтиради – дорилар бемор танасидаги бузилган мувозанатни тикловчи гиёҳлар билан бирга кириб келадиган табиий қувват эшигини ёпиб қўяди.

4. Ер билан алоқангиз узилиб қолмаслиги учун ёзда албатта ялангоёқ юринг.

5. Ёзда болалар қаерда ўйнашни исташса – ўша ерга рухсат беринг. Эгниларини ифлос қилишсин, югуришсин, ўрмонзорга ёки табиат қўйнига тез-тез чиқиб туришсин. Булар қишда болаларингизни касалликлардан асрайди.

6. Кечаси ётишдан олдин албатта оёқларингизни ювинг, умуман, агар иложи бўлса, душ қабул қилинг. Сув танангиздаги чанг ва кўча ифлосликларини ювиб кетиб-гина қолмай, балки чарчоғингизни олади, уйқунгизни бузиши мумкин бўлган ёмон ўй-хаёллар ва кечинмаларингиздан халос этади.

7. Тўғри дам олишни ўрганинг. Кундузги вақт ишлашга, тун эса – уйқуга яратилган. Соғлом бўлиш ва иш қобилиятингизни узоқ вақт сақлаб қолишни истасангиз, тунги соат 10 дан кечикмай уйқуга ётинг ва эрталаб 5-6 ларда туринг.

8. Ўрмон мевалари ва гиёҳлардан тайёрланган чойни кўпроқ ичинг. Улар тоза бўлгани учун ҳам саломатлик манбаи ҳисобланади.

9. Ҳеч бўлмаганда, ҳафтасига бир маротаба қайнатиб пиширилган буғдойни истеъмол қилиб, кетидан тоза сув ичиб юборинг. Шу тариқа сиз муттасил танангизни тозалаб борасиз ва шу йўл билан ҳаётий қувватингизни бир маромда ушлаб турасиз.

10. Кўпроқ ҳаракат қилинг ва кўп ишланг Бекорчилик – бу фақат қалбингизнигина эмас, танангизни ҳам емирувчи касалликдир.

11. Озодалик – ҳаётингизнинг асосий мажбурий шарти бўлиб қолиши керак! Жисмонийми ёки руҳийми – ифлослик ҳамиша софлик ва гўзалликни яратган Худога ёқмайди.

12. Жуда иссиқ сувда ювинманг.

13. Хонаки совун ва табиий воситалардан кўпроқ фойдаланинг – улар саломатлигингизга зарар етказмайди.

14. Тупроққа кимёвий воситалар ва ўғитларни кўп солманг. Табиат улардан бўғилиб қолади ва бу заҳарланиш ҳамда бошқа кўпгина касалликларга сабаб бўлади.

Ушбу тавсиялар машҳур башоратчининг ёрдамчиси Красимира Стояновадан ёзиб олинган.

Шифокор ҳузурида

ХОТИРАНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ЎН ОМИЛИ

Инсон хотираси жуда катта миқдордаги нерв толачалари – нейронлардан иборат бош мия фаолияти билан чамбарчас боғликдир. Нейронлар қанчалик кўп бўлса – хотира ҳам шунчалик яхши бўлади. 43-45 ёшдан кейин бирон-бир ахборотни эслаш учун ёшларга қараганда анча кўп вақт сарфланади.

Олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, хотиранинг ёмонлашиши ёш ўта бориши билан бош мия ҳажмининг бирмунча кичрайиши туфайли юз беради. Мабодо, белгиланган учрашув ёдингиздан кўтарилса ёхуд бешинчи синфда бир партада ўтирган синфдошингиз фамилиясини ҳеч эслай олмасангиз, бу сизнинг муқаррар қариётганингиз нишонаси эмас. Шунчаки хотирангизни мустаҳкамловчи машқларни бажариб боришингизга тўғри келади.

Хўш, хотирани қандай қилиб мустаҳкамлаш мумкин?

— Ҳар куни ўқиш ва ёзишни одат қилинг, — **дейди тиббиёт фанлари номзоди Муҳаммаджон Миршарипов.** — Бу – хотирангиз мустаҳкамланишига жуда катта ёрдам беради. Турли хил мусиқаларни тингланг. Мусиқа фикрлаш тезлиги ва узоқ муддатли хотирага самарали таъсир этади. Доктор Томейно шундай таъкидлайди: "Жаз ёки мумтоз мусиқани тинглаш туфайли ақлнинг таҳлилий имкониятлари ўсади..."

Турли шаҳарлар ва мамлакатлар бўйлаб саёҳатларга чиқинг. Янги ҳиссиётлару таассуротлар, катта миқдордаги қизиқарли ахборотлар бош мия фаолиятини яхшилайди. Музейлар, театрлар, бадиий кўргазмаларга боринг. Олимларнинг аниқашларича, санъат билан танишув хотира ёмонлашуви жараёнига тўсиқ бўлади.

Бош мия фаолиятини жонлантиришга ҳатто ҳаёт тарзингизни озгина ўзгартиришингиз ҳам ёрдам беради. Ҳар қандай одатга айланган нарса мия "жараёнлари"га тўсқинлик қилади. Шеърларни ёдлаб олиш хотирани мустаҳкамлашнинг энг таъсирчан шаклларидан бири ҳисобланади. Катта-катта достонларни тўтиқушдек ёдлаш шарт эмас. Дастлабки пайтлари кунига биттадан тўртликни хотирлаб қолишнинг ўзи кифоя қилади.

Кулги миянинг қон билан таъминланишини яхшилайди ва бинобарин, шунга мутаносиб равишда ахборотларни қабул қилиш қобилияти яхшиланади. Кунига камида 7-8 соатдан ухланг. Чунки сиз ухлаётганингизда миянгиз дам олади. Уйқу кун давомида олган ахборотларингизни мустаҳкамлашга қўмаклашади. Ҳар куни бадан тарбия қилишни унутманг. Жисмоний машқлар бош мияга қон келишини яхшилайди ва бу инсоннинг ақлий қобилиятига ижобий таъсир қилади.

Автоҳаваскор бурчаги

ҲАР КИМГА — ЎЗ СУЙГАНИ ГЎЗАЛ!

Ҳаммага ҳам оппоқ юзли гўзаллар ёқаверади деб ким айта олади? Бировлар қорамағиз ёки малласоч қизларни ёқтиришлари мумкин. Қисқаси, ҳар кимга ўз суйгани маъқул. Гўзалликнинг белгилаб қўйилган чек-чегараси йўқ – айниқса, сочларининг рангига қараб, хулоса чиқаришни-ку, қўяверинг. Бироқ, авто оламида гўзалликнинг эталони бор экан. Гап афсонавий Ferrari Testa Rossa автоси ҳақида кетаётганини пайқагандирсиз.

1957 йилда ишлаб чиқарилган айнан шу чиройли машина бу йил аукционга қўйилиши белгиланган. Экспертлар ушбу лот нархлар бўйича барча рекордларни ортда қолдиради, деб башорат қилишмоқда.

Аукцион Sotheby's билан ҳамкорлик қилиб келаётган RM Auctions компанияси томонидан ўтказилади. Савдо-сотиқ ишлари уюштириладиган ушбу тадбир 1957 йилгача Италияда ўтказиб келинган машҳур минг миллик пойгаларига бағишланади.

РУЛДА ЎТИРГАН АЁЛНИНГ АСОСИЙ ХАТОСИ

Экспертларнинг таъкидлашларича, ўта журъатсизлик ва иккиланиш ҳайдовчи аёлларга панд беради. Айни пайтда эркаклар ўзига ҳаддан ташқари бино қўйиш туфайли йўл-транспорт ҳодисаларига учрайдилар.

Қалтис вазиятларда аёллар кўпинча ўзларини йўқотиб қўйишади, ваҳимага тушишади ва буларнинг ҳаммаси тўқнашув хавфини кучайтиради. Эркаклар ҳар бир қулай имконият туғилиши билан тезликни оширишади – бу ҳам йўлда хавфли вазиятларни келтириб чиқаради.

Нима бўлганда ҳам, йўл ҳаракатини бузганлик учун ҳайдовчилар, қайси жинс вакиллари бўлишларидан қатъи назар, жавоб беришларига тўғри келади

BMW ҲАЙДОВЧИ ЧЕҲРАСИНИ ЭСЛАБ ҚОЛАДИГАН БЎЛАДИ

BMW компанияси ҳайдовчининг жисмоний ҳолатини кузатиб борадиган янги хавфсизлик тизимини яратиш бўйича ишларни бошлаб юборди. Бунда янги тизим ҳайдовчи ухлаб қолгани ёки ухламаётганини текшириб бориш билан чектоматик суратда кўзгу ҳолатини ва оғирлигига ришни ҳам удда-лаганмай, балки авкресло, руль ва ҳайдовчининг бўйи қараб тўғрилаб болайдиган бўлади.

Бу ҳам ҳамманика ҳайдовчиқолиш қобилияти-си эмас – электронинг юзини эслаб учун у машинага га ҳам эга. Шунинг рониканинг ўзи ўтираркан, электавтоҳаваскор истагига кўра, кресло ва кўзгуларни тўғрилаб беради. BMW муҳандислари одам юзини эслаб қолиш тизимидан машинани ўғирлашга қарши тизим сифатида фойдаланиш имкониятини ҳам унутишмади.

Олимларнинг кашфиётлари

АРХИМЕДНИНГ НОМАЪЛУМ АСАРЛАРИ ТИКЛАНДИ

Америка олимлари Архимеднинг илгари маълум бўлмаган икки асари – "Механик назариялар усули" ва "Стомахион" матнларини қайта тиклашга муваффақ бўлишган. Мазкур асарлар Балтимордаги Уолтетт Санъат музейида сақлаб келинаётганди.

Эрамизнинг X асрида юқоридаги асарлар ёзилган пергамент XIII асрда ўчирилиб, устидан дуолар ёзилганди. Шунга қарамай, олимлар рентген нурлари ёрдамида илгари фанга маълум бўлмаган асарлар матнларини тиклашга муваффақ бўлдилар. Маълум бўлишича, Архимед олим сифатида ўз давридан жуда илгарилаб кетган экан: ўз тадқиқотларида у амалда кейинчалик математик таҳлил деб ном олган усулдан фойдаланиб иш олиб борган. Жумладан, Архимед қўшилувчилар чексиз миқдорини қўшиб ҳисоблаш усулини кашф этган.

Шундай қилиб, Архимед фойдаланган чексизлик концепцияси унга нисбат бериб келинган анъанавий қоидадан жиддий фарқ қилиши аниқланди.

Эзоп масаллари

БУРГУТ ВА ТУЛКИ

Бургут билан тулки дўст тутинишди ва бу дўстлик мустаҳкам бўлиши учун ёнма-ён яшашга қарор қилишди. Бургут баланд дарахт тепасига ўзи учун уя қурди, тулки эса, пастда – буталар тагида болалади. Лекин кунларнинг бирида тулки ўлжа излаб овга кетди. Бургут эса, қорни очиб, буталар тагига учиб бориб, тулкичаларни тутиб олди ва болалари билан бирга уларнинг ҳаммасини паққос туширди.

Овдан қайтган тулки воқеани тушунди ва болаларини йўқотганидан ҳам кўпроқ қасос ололмаслиги унга қаттиқ алам қилди: ҳайвон қушларни тутиб ололмасди-да. Бечоранинг узоқдан туриб, зўравон бургутни қарғашдан бошқа чораси қолмаганди.

Лекин кўп ўтмай, дўстликка қилган хиёнати учун бургут ҳам жазосини оладиган бўлди. Кимдир далада эчки сўйиб, қурбонлик қилаётганди. Бургут учиб бориб, эчкининг ички аъзоларини олиб қочди.Уларни уясига олиб бориши билан қуриб-қақшаб турган новдалар ўша пайтда эса бошлаган шамолдан гуп этиб аланга олди. Бургутчалар оловдан куйиб, пастга йиқилиб тушишди. Улар ҳали юра олишмасди. Шу пайт тулки югуриб келди-да, бургутнинг кўз ўнгида уларнинг ҳаммасини еб қўйди.

Масалдан хулоса шуки, дўстликка хиёнат қилганлар қасосдан қутулиб қолишса-да, Худонинг қаҳридан қочиб қолишолмайди.

ТУЛКИ БИЛАН ҚОПЛОН

Тулки билан қоплон ким чиройлироқ деган мавзуда баҳслашишарди. Қоплон ўзининг жимжимадор терисини берилиб мақтарди. Тулки бунга жавобан: "Мен сендан қанчалар гўзалманки, танам сеникидай жимжимадор бўлмаса ҳам зеҳним ўткирроқ", деди.

Масал ақлнинг ўткирлиги тана гўзаллигидан афзалроқ эканини кўрсатади.

ХЎРОЗ ВА КАКЛИК

Уйида хўрозларни боқиб юрган одам бир куни бозорда какликни учратиб қолиб, хўрозлари билан бирга боқиш учун уни сотиб олиб, уйига келтирди. Бироқ, хўрозлар уни чиқиштирмай, ҳар томондан чўқиб, оёқлари билан тепиб хафа қилишарди. Каклик алам билан ўйлади: уларнинг жинсидан бўлмаганим учун мени чиқиштиришмаяпти.

Лекин кўп ўтмай, у хўрозларнинг бир-бирлари билан қон тўкишгача дўппослашишларини кўриб, ўзига-ўзи деди: "Йўқ, энди мен хафа бўлиб ўтирмайман – ахир улар ўзаро бир-бирларига ҳам шафқат қилмасликларини кўриб турибман-ку".

Қиссадан-ҳисса шуки, ақлли одамлар, ўз яқинларига ҳам шафқат қилмаётган қўшниларини кўрганда, улардан ўзларига етган озордан кўп ҳам куюнавермайдилар.

Саҳифа материаллари турли манбалар асосида тайёрланди.

Ўз-ўз ўйлаб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Кимни зар мафтун этар,
гумроҳ, ўшал,
Юз тубан тушгай, асири чоҳ ўшал.

* * *

Кимки дунё дер, аламга тўлгуси,
Йўлида юз минг тузоқлар бўлгуси.

* * *

Ким қўйиб чун равзайи боғи Эрам,
Танлагай дўзах аро доғи алам?

* * *

Қасринг ул гар равзаи ризвон эрур,
Гар ажал етса сенга, зиндон эрур.

* * *

Гар ўлимдин етмасайди оқибат,
Унда ўлтирсанг бўлурди то абад.

* * *

Жумла дунё гар мусалламдир
сенга,
Кўз очиб юмгунча барҳамдир анга.

* * *

Кимда байроғу довул, дарвеш эмас,
Топгани елдир, довулнинг бонги, бас.

Елда байроқ, бонгда гум-гум,
шақ-шақа,
Ел билар бонгнинг баҳоси бир чақа.

* * *

Шилдилар қоплонни, кўрдинг
бешу кам,
Бўйла шилгайлар сенинг
нафсингни ҳам.

* * *

Бўлмаса васлу висол имкони ул,
Ё йиқилмоқ, ё йўқолмоқ яхшидир.

* * *

Бошни тик тутмоқ иложи йўқса гар,
Бошни қўйгил сен, ўйиндин
не самар?

* * *

Сенга юзлаб ваъда бергайлар,
хуш ул,
Аслини сўрсанг, нишони оташ ул.

* * *

Гар басе кўрдинг жаҳонни,
жонфишон,
Қолмагай сендин вале ному нишон.

* * *

Қанча термулма, тикан гул бўлмагай.

* * *

Шу жаҳонни орқалаб гар кетса ким,
Оқибат дерки, жаҳонни кўрмадим.

* * *

Ҳар нафасни бил ғанимат эрта-кеч,
Андин ортиқ борму шу оламда ҳеч?

* * *

Ҳар хуснким, хусни нафсоний эрур,
Келса андин ишқ агар, фоний эрур.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳридаги Назорат-тафтиш бошқармаси бош назоратчи-тафтишчи Мамаразоқ Мирзақуловнинг волидаи муҳтарамаси

МУСАЛЛАМ аянинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Фестиваллар

ИСТИҚЛОЛ ЮЛДУЗЧАЛАРИ

Тошкент шаҳрининг қутлуғ 2200 йиллик тўйига бағишлаб пойтахт халқ таълими бош бошқармаси яна бир хайрли ташаббусга қўл урди. Туманларда мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида қутлуғ юбилей муносабати билан «Тошкент — шарқ машъали» шиори остида «Истиқлол юлдузчалари — 2009» болалар ижодий фестивали ўтказилмоқда.

Фестивалда 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган ижодий жамоалар ва яккахон ижрочилар иштирок этаётган бўлиб, уни ташкил этишдан асосий мақсад болаларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш, уларда Ватанга муҳаббат ва ҳурмат, миллий маданиятимиз, урф-одат, анъаналаримизга садоқат ҳиссини уйғотиш, жажжиларнинг маънавий-ахлоқий ривожланишлари учун шарт-шароит яратиш, уларни қўшимча машғулотларга жалб этиш, иқтидорли болаларни аниқлаш, уларнинг ижодий салоҳиятини ошириш мақсадида босқичма-босқич фестиваль баҳсларига жалб этишдир.

Фестиваль шартларига кўра болажонлар вокал йўналишида хонандалик, хореография, болалар мусиқа асбобларида ижро, бадиий сўз ва оригинал жанр йўналишлари бўйича ўз билим-йўналишларини намойиш этадилар.

Куни кеча шаҳримиздаги Рус ёш томошабинлар театрида Ҳамза туманидаги мактабгача таълим муассасалари жамоалари ўртасида фестивалнинг туман босқичи бўлиб ўтди.

Фестивалнинг туман босқичи жуда қизиқарли чиқишларга бойлиги, болалар иқтидорлари турли қирраларининг очилганлиги билан айниқса эътиборга сазовор бўлди. Болажонлар миллий чолғу асбобларида куйлар чалдилар, эстрада ва спорт йўналишларида чиройли чиқишлар қилдилар, шеър ва қўшиқларни берилиб ижро этдилар. Бунда айниқса, «Ширинтой» номли 416-мактабгача таълим муассасаси (МТМ)нинг туманда ягона фольклор жамоаси ижросидаги миллий лапарлар, 203-МТМ раққоса қизларининг маҳорати, 421-МТМ қўшиқчи қизларнинг шўх-шодон ижролари, 92 ва 203-МТМ болажонларининг жаҳон халқлари рақсларини ўзига хос тарзда ижро этишлари мухлис ва мутахассисларда катта таассурот қолдирди.

Фестиваль сўнгида туман халқ таълими бўлими мудири Абдуманноп Собиров, мактабгача таълим бўлими методисти Нодира Далабоева педагог-ходимлар ва тадбир иштирокчиларини муборакбод этиб, келажакдаги ижодларида омадлар тиладилар. Фестиваль ҳомийси — «Тошкент ёғ-мой комбинати» ОАЖ томонидан болажонларга совғалар топширилди.

Туман миқёсида энг яхши натижаларни кўрсатган 141, 129 ва 517-мактабгача таълим муассасалари шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: «Истиқлол юлдузчалари — 2009» болалар ижодий фестивалининг Ҳамза туман босқичидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги

ЗАРУРИЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

Кўчаларимизда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, пиёдаларнинг йўлакчалардан йўл-транспорт ҳодисаларисиз ўтиб олишларига имкон яратиш, бир сўз билан айтганда, соҳага доир жорий этилган қонунчилик меъёрларига амал қилиш ҳар қандай хавф-хатар, фалокатларнинг олдини олувчи бирламчи воситадир.

Шу боис мамлакатимизда ҳар йили анъанавий равишда "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" ўтказиб келинади. Унда фуқароларнинг мазкур оммавий тадбирга қанчалик тайёрлиги, йўл ҳаракати қоидаларига қанчалик риоя қилиши яна бир бор синовдан ўтказилади. Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Яккасарой туман Кенгаши ҳам "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги"ни ўзига хос тайёргарлик билан кутиб олди.

Жумладан, ўтган давр мобайнида икки нафар ҳайдовчига амалий машқ устаси гувоҳномаси олиб берилди. Даврий давлат кўриги муносабати билан "Саройхўжалик куни" ташкил этилди. Шу билан бир қаторда транспорт воситаларини техник соз ҳолатда бошқариш ҳамда ҳайдовчиларнинг масъулиятини оширишга эътибор қаратилмоқда.

– "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги"ни уюшқоқлик билан ўтказиш бугунги куннинг талабидир, – дейди туман Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Аваз Убайдуллаев биз билан суҳбатда. – Шу боис тадбирни кўнгилдагидек ташкил этиш мақсадида махсус режа ишлаб чиқилган бўлиб, мутасадди ходимларга тегишли вазифалар белгилаб берилган.

Айни кунларда эса техник носоз автомобилларнинг йўлга сафарбар этилиши қатъиян тақиқланмоқда. "Ватанпарвар" тизимидаги ташкилотларнинг асосий вазифаларидан бири оммавий касбдаги мутахассисларни тайёрлаш бўлгани боис, амалий машқ усталари ва йўл-патруль хизмати ходимлари билан ҳаракат хавфсизлигига доир машғулотлар ўтказиб, кўп қатновли шаҳар йўлларида кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида учрашувлар, суҳбатлар ташкил этилмоқда. Шу билан бирга турли таълим муассасаларида ёшлар орасида йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига риоя қилиш мавзусидаги машғулотларга қизиқиш ортиб бормоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳаракат хавфсизлиги ойлигини кўнгилдагидек ўтказиш йўлларимиз бехатар бўлишининг муҳим гаровидир.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Баҳорда энг кўп учрайдиган табиат ҳодисаларидан бири чақмоқ бўлиб, у булутлардаги электр зарядларидан юзага келади. Одатда чақмоқ кучли шамол ва ёмғирлар билан бирга содир бўлиб, чақмоқнинг гумбирлаган овози — момақалдироқ кишиларда, асосан болаларда қўрқув уйғотиши мумкин.

Билиб қўйган яхши

ЧАҚМОҚДАН ҲАМ ЧАҚҚОН БЎЛИНГ

Чақмоқ юқори кучланишли электр токи ва 300 минг даражагача бўлган ҳарорати билан характерланади. Чақмоқ урган дарахт ёки бошқа йирик объектлар ёрилиб ва ёниб кетиши ҳоллари кўп кузатилган. Унинг одамга тўғридан-тўғри уриши эса бир лаҳзада ўлимга олиб келиши мумкин. Маълумотларга кўра, ҳар йили бутун дунёда айнан чақмоқ уриши туфайли уч мингга яқин киши ҳалок бўлар экан. Шу сабабли ҳам чақмоқ чақиши ҳодисаси биз билиб қўйишимиз лозим бўлган фавқулодда ҳолатлардан бири ҳисобланади.

Чақмоқ уриши механизмини қуйидагича тушунтириш мумкин: электр разряди одатда электр қаршилиги кам бўлган йўлдан боради. Электр зарядли булут билан баландроқда жойлашган предметнинг оралиғи пастроқдагиларга нисбатан қисқароқ бўлади, шу сабабли ҳам чақмоқ кўпинча баланд кўтарилган нарсаларни уради. Унинг хавфини камайтириш мақсадида баланд бинолар қурилишида чақмоқдан сақловчи чоралар кўрилади — иншоот тепасида мачта ўрнатилиб, у металл симлар воситасида ерга улаб қўйилади.

Метеорологлар чақмоқ пайти велосипед, от ёки эшак миниб юрмасликни, қўлда узун дастали, айниқса металлдан ясалган буюмларни ушлаб турмасликни, шунингдек, сантехникадан узоқроқ бўлишни тавсия этишади. Бундан ташқари, қуйидаги хавфсизлик чораларига амал қилиш ҳам чақмоқдан талофот кўриш ҳолларини камайтиради:

Агар чақмоқ пайти очиқ осмон остида бўлсангиз, имкони борича қаттиқ томли автомобиль ёки бирор бино ичига кириб олинг, аммо палатка сингари кичик қурилмалар ва сийрак дарахтлар остида сақланиш хавфли.

Яширинадиган жой йироқ бўлса, унда кишилар бир-бирларидан узоқроқ ҳолда, якка тарзда эгилиб олиши керак: бунда бирор чуқурликка тушиб олган маъқул. Оёқларини жуфтлаб, бош ва танадаги барча металл буюмларни ечиб ташлаш керак. Шу атрофдаги энг баланд нуқтада туриш энг хавфли, аммо ерга ётиб олиш ҳам ярамайди.

Чақмоқ пайти ёнингиздаги йирик нарсалар — девор ёки харсангларда зириллаган товуш эшитсангиз, зудлик билан ундан узоқлашинг. Умуман, бу вақтда металл қурилмалардан йироқроққа яширинг.

Бордию машинада кетаётган бўлсангиз, тезликни пасайтириб, дарахтлар ва баланд қурилмалардан узоқроқда тўхтанг. Машинадан чиқманг, унинг ойналарини ёпинг, радиоприёмник антеннасини туширинг ҳамда автомобилнинг металлдан ясалган қисмларига тегманг.

Агар чўмилаётган пайтингиз чақмоқ чақиб қолса, дарҳол сувдан чиқиб, панароққа ўтинг. Бордию қайиқда кетаётган бўлсангиз, унда иложи борича тезроқ соҳилга чиқиб олинг. Ёки хавфсизлигига ишонч ҳосил қилсангиз, баландроқ кўприк остига кириб олинг.

Чақмоқ бошланганида уйда ёки бино ичида бўлсангиз, унда деразалар, электр асбоблар, шунингдек қувур ва бошқа металлдан ясалган сантехника мосламаларидан узоқроққа ўтиб олинг.

Бу вақтда телефонда гаплашиб бўлмайди: агарда ёрдамга чақириш керак бўлса, баланд овозда ва иложи борича қисқароқ қилиб чақириш керак.

Бундай табиий офат пайти барча ташқи антенналарни суғуриб, радиоприёмник, телевизор ва бошқа мосламаларни электр тармоғидан узиб қўйиш лозим.

Мана шуларга амал қилган ҳолда чақмоқ уришидан сақланиш, мазкур фавқулодда вазиятдан безиён чиқиш мумкин. Яъни чақмоқдан ҳам тезроқ ҳаракат қилсангиз у сизга ҳеч қандай зиён-заҳмат етказа олмайди.

Маҳмуд ИЛҲОМОВ, доцент.
Камол АБДУРАСУЛОВ, Тошкент Молия институти талабаси

Футбол

БЕЛЛАШУВЛАР, НАТИЖАЛАР, ОЧКОЛАР

«Жар» стадионига йиғилган минглаб мухлислар Осиё чемпионлар лигаси турнирининг «Бунёдкор» — «Сепахон» жамоалари ўртасидаги гуруҳ баҳсига гувоҳ бўлишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўтган йилги Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида «Бунёдкор» айнан Эроннинг «Сепахон» жамоаси билан куч синашган, сафарда 1:1 ҳисобдаги дуранг натижа қайд этилган бўлса, Тошкентда ҳамшаҳарларимиз меҳмонларни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратган эди. Лекин, кечаги беллашувда икки томон ҳам фақат ғалаба қозониш иштиёқида майдонга тушганлиги маълум бўлди. Ҳатто, тўп билан муомала қилиш борасида айрим ҳолларда «Сепахон» жамоасининг устунлиги яққол сезилиб қолди. 90 дақиқа мобайнида муросасиз курашишлар остида кечган баҳс 2:2 ҳисобида якунланди. Дарвозаларга тўпларни «Бунёдкор»дан Шавкат Салomов ва Бахтиёр Ашурматов, «Сепахон»дан Оқилий ва Эмад Муҳаммадлар киритишди.

Сафарда Эроннинг «Саба Батери» жамоасига қарши Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ беллашувида куч синашган «Пахтакор» командасига шу куни омад кулиб боқди. Рақиб дарвозасига чиройли комбинациялар билан хавфли ҳужумларни тинимсиз уюштирган тошкентликлар учрашувни 2:0 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал эта олишди. «Пахтакор» мухлисларини қувонтирган голларни ака-ука Зайниддин ва Фарҳод Тожиевлар йўллашди.

Ушбу ғалабадан сўнг «Пахтакор» ўз гуруҳида якка пешқадам бўлиб турибди.

Энди Осиё чемпионлари лигаси гуруҳ баҳсларининг навбатдаги 4-тур беллашувлари 21,22 апрель кунлари бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2009 йил 30 мартдаги ҳал қилув қарорларига асосан тугатилаётган корхоналар рўйхати:

№	Корхона номи	Макони	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами		ХТУТ (ОКРО)	Хўжалик судининг қарори рақами ва санаси	
1	MARY BOOKS	МЧЖ	205293434	15.02.05	000680-03	19853662	10-0913/3590	30.03.09
2	AVANGARD TRAVEL	МЧЖ	206792880	06.11.07	002517-03.	21392470	10-0913/3591	30.03.09
3	SINBU ELIT SERVIS	МЧЖ	300459622	22.05.07	002541-03	21884954	10-0913/3592	30.03.09
4	SARDOR-OMAD	ХК	205215624	08.09.04	000512-03	19742939	10-0913/3593	30.03.09
5	AEROTRANS-UM	МЧЖ	204045434	30.04.07	002497-03	18582362	10-0913/3594	30.03.09
6	MAISHIY XIZMATGA-KO'MAK	МЧЖ	201632892	04.03.95	737(00379)	16082997	10-0913/3595	30.03.09
7	BAHOR-SU	ХФ	203592903	09.04.01	720	18029659	10-0913/3596	30.03.09
8	ARTDESIGN-SERVIS	МЧЖ	300569407	19.09.07	002768-03	22103449	10-0913/3597	30.03.09
9	GOLD-BINGO	МЧЖ	203043571	12.11.99	1813(0664)	17437020	10-0913/3598	30.03.09
10	EDELVEYS FARM	МЧЖ	205862984	06.11.05	001202-03	20442444	10-0913/3599	30.03.09
11	SONIKO	ХФ	200797973	11.11.97	00283(2133)	14853321	10-0913/3600	30.03.09
12	RUSTAM UNIVERSAL SERVIS	ХК	206966759	04.07.08	003326-03	22478311	10-0913/3601	30.03.09
13	ELEGANS-STYLE-BIZNESS	МЧЖ	206654434	14.06.06	001593-03	21260521	10-0913/3602	30.03.09
14	SEVER KONTAKT	МЧЖ	206836247	23.01.07	002311-03	21488744	10-0913/3603	30.03.09

Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек, белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади.

Кредиторлар икки ой мобайнида Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 18- уй, Миробод туман ҳокимлиги Корхоналарни тугатиш доимий ишловчи махсус комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 306

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3824 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

256

Топшириилган вақти: 12.49